

Бразилиядаги анжуманда Ўзбекистон делегацияси қатнашмоқда



22:35 / 04.09.2025 729

Бугун, 4 сентябрь куни Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳрида «Маънавий Ипак Йўли: миллатлар ва қитъаларни яқинлаштиришда маънавий қадриятларнинг ўрни» номли халқаро конференция бошланди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари иштирок этмоқда.

Россия Федерацияси мусулмонлари диний бошқармаси, Муҳаммад бин Зоид номидаги Гуманитар университет ҳамда Бразилия мусулмонлари уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган VI-халқаро анжуманда Бирлашган Араб Амирликлари, Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Эрон, Қозоғистон, Эфиопия, Жанубий Африка каби давлатларнинг забардаст уламолари, давлат ва дин

арбоблари қатнашмоқда.

Анжуманда бутун дунёда, хусусан, ислом оламида тинчликни сақлаш, муслмон уммати жипслиги, халқлар ҳамжиҳатлигини таъминлаш, умуминсоний қадриятларга эътибор қаратиш, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида ҳамкорликни кенгайтиришга оид муҳим масалалар муҳокама қилинади.